



Таниқли ёзувчи Эврин Турон – Мамадали Маҳмуд ўзи яшайдиган Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани раҳбарлари ташкил этган учрашувга чакиртирилган.

Ёзувчининг Би-би-сига айтишича, учрашув Жисмоний тарбия институти биносида бўлиб ўтган.

Туман ҳокими, прокурори, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари уюштирган учрашувга 60 тача “рўйхатдаги инсон” таклиф қилинган.



## МАМАДАЛИ МАҲМУД ВА МУҲАММАД БЕКЖОН “НАЗОРАТДАГИЛАР РЎЙХАТИ”ДАН ЎЧИРИЛГАН

Улар орасида тахминан 15 рўмол ўраган аёл бор эди, дейди адиб.

Расмийлар рўйхатдан ўчирилганларнинг исм-шарифини ўқиб эшиттирганлар.

“Лекин менинг исми-шарифимни эълон қилишмади. Ички ишлар бўлими вакилидан сўраганимда, “учрашувда қатнашганларнинг ҳаммаси назоратдан чиқарилди”, деб айтди, деди Мамадали Маҳмуд.

“Озодликка чиққанимга 4 йил бўлган бўлса ҳам мен ва ўғлим ҳар ойда тилхат ёзиб бериб турардик, ҳар Янги йил, Мустақиллик байрамлари олдидан ўзимизнинг қаерда эканимизни хабардор қилиб

туришимиз шарт эди”, дейди ёзувчи.

Дунёдаги қамокда энг узоқ сақланган журналист Муҳаммад Бекжон шу йил февралда озодликка чиқарилди, ҳозир у Хоразм вилояти Янгибозор туманида истиқомат қилмоқда.

Муҳаммад Бекжоннинг Би-би-сига айтишича, “назоратдаги инсонлар рўйхати”дан чиқарилгани ҳақида ўзига хабар беришгани йўқ.

“Аммо қамокдан чиққанимдан буён келиб тилхат ёздириб кетишаётгани, бир ярим ойдан буён келишмаяпти”, деди журналист.

Август ойининг бошида футбол шарҳловчиси ва диний радиоэшиттиришлари билан танилган журналист Хайрулла Ҳамидов “қора рўйхатдан чиқарилган”.

Би-би-сига маълум бўлишича, Ўзбекистон қамокхонасида 23 йил 4 ой сақланган Самандар Қўқоновни ҳам жамият учун таҳдид деб билинадиган шахслар рўйхатидан чиқаришгани ҳақида хабардор қилишгани йўқ.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон вилояти фаоллари билан учрашувда “нотуғри йўлга кириб қамалган” инсонлар ва уларнинг қариндошларига нисбатан давлат томонидан нотуғри муносабат кўрсатилганини тан олди.

Президент Мирзиёев топшириғи билан Ўзбекистондаги минглаб диндорлар халқ тилида “қора рўйхат” деб аталган рўйхатдан чиқарилаётгани ҳақида хабарлар тарқалмоқда.

Мусулмонлар идорасидаги манба 10 мингдан ортиқ инсоннинг ушбу рўйхатдан чиқарилишини ва уларни маҳаллий имомлар кафилликка олишини маълум қилган.

*Манба: Би-би-си Ўзбек*



Шу йилнинг 3 август куни Шавкат Мирзиёев маданият, санъат, адабиёт ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Ушбу учрашувдан сўнг президент Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарлари билан мажлис ўтказди. Шундай қилиб...

### Раҳбарларнинг тор таркиби билан ёпиқ мажлис

Шавкат Мирзиёев мажлис қатнашчиларига мурожаат қилиб, юқорида санаб ўтилган ташкилотларнинг раҳбарлари ўзларининг ҳорижий, муҳолиф ва танқидий кайфиятда бўлган бошқа оммавий ахборот воситалари вакилларига бўлган муносабатларини тубдан ўзгартиришлари лозимлигини таъкидлаган.

“Ҳорижий, муҳолиф ва танқидий кайфиятда бўлган бошқа оммавий ахборот воситалари фаолиятига нисбатан муносабатларимизни тубдан ўзгартириш ва қайта кўриб чиқиш вақти келди. Уларнинг танқид ва компроматга тўла мақолаларини, бизнинг камчилик ва муаммоларимизни кўрсатиб берувчи ойна сифатида қабул қилишимиз керак. Улар бизнинг мамлакатимизга таҳдид солишмайди, аксинча, муаммоларни топиш ва бартараф қилишга ёрдам беришади. Мен, масалан, мамлакатдаги ҳақиқий аҳвол ҳақида сизларнинг илҳомбахш ҳисоботларингиздан кўра, “Озодлик” радиоси, “Би-Би-Си” ва баъзи муҳолифат сайтларидан, шунингдек ижтимоий тармоқлардан биламан. Шунинг учун мен ҳамма вақт қайтараман, сизлар мени алдай олмайсизлар”, – деган Ўзбекистон президенти.

Мамлакат раҳбари МХХ раиси Рустам Иноятовдан, муҳолиф ва танқидий кайфиятдаги журналистлар, шунингдек умуман, бошқача фикрлайдиган ватандошлар киритиладиган ҳар хил қора рўйхатларни тузишни бас



## Усмон Ҳақназаров: Мирзиёев ўзбек куч ишлатар тизимларидан танқидий кайфиятдаги журналистларни тинч қўйишни талаб қилди

қилишни сўраган. Шунингдек Мирзиёев Ички ишлар вазири Абдусалом Азизовга ҳам, шу йилнинг 1 август куни Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси подполковниги маҳаллий журналист Тошпўлат Раҳматуллаевнинг фаолиятига тўсқинлик қилгани учун ўз эътирозини билдирган.

Яқинда ташкил қилинган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раҳбари Қахрамон Қуронбоев ҳам, иттифокнинг Сурхондарё вилоят бўлими, Музробод туманида қизларнинг ҳижобини ечиш тадбирини уюштиргани учун гап эшитган. “Мени эшит, сенинг қизларнинг рўмолини ечишдан бошқа ишинг йўқми?! Уларни ўз ҳолига қўй! Қандай ҳохлашса, шундай юришсин. Ижтимоий тармоқларни ўқи, одамларнинг фикрини ўқи. У ерда одамлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бу – аёлларнинг паранжисини ечган совет Комсомолининг авлоди эканлигини ёзишяпти.”,- деган Мирзиёев Қ.Қуронбоевга мурожаат қилиб.

Сўз эркинлиги мавзусига қайта туриб, Шавкат Мирзиёев ёпиқ мажлис қатнашчиларидан, журналистларнинг ҳатто тухмат ва ёлғон материалларига ҳам тоқат билан ёндашишни

сўраган. “Журналистлар ҳақиқатни ёздими ёки йўқ, буни вақт кўрсатади. Аммо мен тан олишим керак-ки, ҳорижий ва муҳолиф оммавий ахборот воситалари асосан ҳақиқатни ёзишмоқда ва реал муаммолар ҳақида бонг уришмоқда”, – дея қўшимча қилган Ўзбекистон президенти. Шундай қилиб...

### Сўнгсўз ўрнида

Ушбу йилнинг 3 август кунги бўлиб ўтган ёпиқ мажлисда президент Мирзиёев томонидан қўйилган талаблар, фақатгина оммавий ахборот воситалари ҳақидаги ўзбек қонунчилигига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳақиқий эркинлаштиришга қаратилган қадамлар қўйилгандан сўнг ҳаётга тадбиқ қилиниши мумкин.

Унғача эса бу чиқишни ҳақиқий сўз эркинлиги ва ошкораликка эришиш йўлидаги президент Мирзиёевнинг шахсий ташаббуси сифатида кўриш мумкин.

**Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,**  
сийёсатишунос  
06.08.2017

## Ҳалима Худойбердиева: Шоир подшоҳни мадҳ қилса, мамлакат бахтсиз бўлади

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Маданият, санъат ва адабиёт вакиллари иштирокида 3 август кунини бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши сўнгидан таниқли шоира Ҳалима Худойбердиева сўз олиб, президент Шавкат Мирзиёевга оқ йўл тилаган.

“Озодлик” радиоси билан суҳбатда 70 яшар шоира “Шавкат Мирзиёевнинг очиқлик сиёсати” оқ йўл тилагани ва айнан Мирзиёев ҳокимият тепасига келганидан сўнг “озгина бўлса ҳам адолат ўз ўзанига тушганини” таъкидлади.

– Қора рўйхатлардан ижодкорларнинг ўчирилганини қўлайман, албатта. Ўзим ўша қора рўйхатда эдим. 22 йил исталмаган шахс бўлдим. 22 йил радио ва ТВ дан узоқ тутилдим. 22 йиллик танаффусдан кейин ўтган йилнинг декабридагина ТВ да юзим кўринди, дейди шоира.

“Озодлик” радиоси билан суҳбатда шоира Мирзиёевнинг нутқидаги пафосга қарамасдан, у кишининг нияти эзгу ва нутқи самимият билан йўғрилганига эътибор қаратди:

– Бу одам “ёзувчилар турмуш машаққатлари тагида кўмилиб кетмасин”, деганида жуда самимийдир. Қаранг, Рауф Парфи деган халқ шоири умрининг охиригидан кунлари уйсиз, пулсиз ва ўта ғариб шароитда кечирди. Айтматов айтганидек, майда тирикчилик ташвишлари энг улуғ ижодкорларни ҳам емириб ташлайди. “Бу емирилишдан қутқараман ижодкорларни”, деган самимий ниятни сездим мен президент билан учрашувда, деди шоира.

Айни пайтда бу учрашувда баъзи оғриқли масалаларни, масалан, таниқли ёзувчи Мамадали Маҳмудов ва рассом Вячеслав Охуновларга чиқиш визаси берилмаётгани билан боғлиқ масалани ҳеч ким кўтармади. Бу ҳолатни изоҳлаган Худойбердиева ҳала ҳам ичимизда ҳадик бор дея тан олди:

– Бирданига юриб кетиши қийинку араваниям?! Лекин озгина бўлса ҳам адолат ўз ўзани тарафига буриляпти, – дейди шоира.

“Озодлик” радиоси билан суҳбатда Ҳалима Худойбердиева мадҳиябозлик иллатига,

ижодкорнинг ҳукмдорни мадҳ қилиши масаласига ҳам тўхталди:

– Лаганбардорлик, маддоҳлик барча давларда бўлган ва мутлақо кораланиши керак бўлган иллатдир. Мен 3 август кунини учрашувда сўз олиб, ана шу ҳолатга эътибор қаратиб, Амир Темурдан иқтибос келтирдим. “Агар, – дейди Амир Темур, – подшоҳ шоирни сийласа ўша мамлакат бахтли бўлади, агар шоир подшоҳга маддоҳлик қилса, ўша мамлакат бахтсиз бўлади.” Бу гапим билан нимага ишора қилганимни президент ҳам учрашув қатнашчилар ҳам яхши тушунди деб ўйлайман, деди шоира.

Суҳбат сўнгидан Ҳалима Худойбердиева файласуф Демокритнинг “Ҳукмдор – халқ хизматкори”, деган гапи ижобат бўладиган давр яқинлашганга шукрона айтди.

### Шоира давлат арбоби ва 22 йил исталмаган шахс

Шоира Ҳалима Худойбердиеванинг “Илк муҳаббат” шеърий тўплами 1967 йили у Тошкент давлат университетининг Журналистика факультети, биринчи курсида ўқиб юрган пайтда нашр этилган эди.

Шоира “Ёшгвардия” нашриётида бўлим мудирини, “Саодат” журналида Бош муҳаррир сифатида ишлаган. Бундан ташқари у Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси бўлган. “Озодлик” радиоси билан суҳбатда Худойбердиева 1994 йилда турмуш ўртоғи, ўша пайтларда Президент Каримовнинг Давлат маслаҳатчиси бўлган Мавлон Умрзоқов ишдан олингани ортидан барча лавозимлардан бир кунда мосуво бўлганини айтиб берди.

Шоирага кўра, ўша вақтларда у, эри камокда ўтирган икки йил давомида, уйдан кўчага чиқмаган. Ҳозирга қадар шоиранинг 16 та шеърлар ва битта публицистик асарлар тўплами босмадан чиққан.

22 йиллик танаффусдан кейин 2016 йил декабрида чоп қилинган насрий тўплами ҳақида гапираркан, Ҳалима Худойбердиева: “Бу - “Юрагимнинг оғриқ нукталари”, яъни унда жамиятдаги юрагимга оғриқ берган воқеа-ҳодисалар акс этган”, – деди.

ЎХХ хабарлар бўлими

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Тошкентда 30 июлдан бери ўтказилаётган “Тозалаш-Антитеррор” тадбирида рўйхатдан ўтмай пойтахтда яшаётган 4 ярим минг кишига маъмурий чора кўрилган.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси сайтида берилган маълумотга кўра, Мустақиллик байрамининг 26 йиллигини нишонлашга тайёргарлик доирасида ўтказилган тадбир

## Рўйхатдан ўтмай пойтахтда яшаётган 4 ярим минг кишига маъмурий чора кўрилди

давонида “кўп қаватли уйлардаги 96 минг 864 та хонадон, яқка тартибдаги 34 минг 380 та хонадон ва 5 минг 452 та корхона-ташкilotлар текшириб чиқилган”.

Натижада, жами 4 минг 479 нафар шахсга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилган. Шундан рўйхатдан ўтмасдан истиқомат қилаётган шахсларга нисбатан 4 минг 265 та, пропискиси бўлмаган шахсларга турган жойи бўйича яшашига йўл қўйгани учун жами 146 нафар хонадон эгалари ва пропискасиз яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилганлиги учун жами 68 нафар фуқароларга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилган.

Текширув жараёнида ИИБ идораларига олиб келинган шахслар билан тезкор-профилактик суҳбатлар ўтказилган. Шундан 59 нафар шахс ИИБнинг Реабилитация марказига жойлаштирилган ҳамда 78 нафар вояга етмаган ўсмирлар Вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига юборилган.

Ҳисобда турувчи шахслар билан профилактик тушунтириш суҳбатлари ўтказилгани, шу билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этган жами 456 нафар шахслар профилактик ҳисобга олингани ҳам маълум қилинди. Мавзе ва маҳалларда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўп қаватли уйларга қўшимча 86 та видеокузатув камералари ўрнатилган.

ЎХХ хабарлар бўлими

“Ўзбекистон ҳукумати уюшган жиноий тўда каби фаолият юритган ва бундан марҳум президент Ислоҳ Каримовнинг тўнғич кизи Гулнора Каримова фойда кўрган”.

Лондондаги Қиролича Мария университети (Queen Mary University of London) қошидаги “Давлат жиноятларини ўрганиш халқаро ташаббуси” (International State Crime Initiative) ходимлари тайёрлаган 102 бетли ҳисобот аннотацияси юқоридаги фикр билан бошланади, дея хабар



## “Ўзбекистон ҳукумати уюшган жиноий тўда каби фаолият юритган...”

беради “Озодлик” радиоси.

“Кобра билан рақс: Ўзбекистонда йирик коррупция билан кураш” деб номланган ҳисобот муаллифларига кўра, Ўзбекистон ҳукумати Швеция, Норвегия, Россия ҳамда Германияга тегишли телекоммуникация ширкатларидан пора олишда кўмаклашган. Расмийлардан иборат рэкетчилар мазкур ширкатлардан 850 миллион доллардан ортиқ маблағ ундирган. 2016 йилда АҚШ Адлия департаменти мазкур мулкни мусодара қилиш ишларини бошлаб юборган.

“Давлат жиноятларини ўрганиш халқаро ташаббуси” директори профессор Пенни Грин: “Ушбу ҳисобот коррупциянинг халқаро миқёсини ҳамда Ғарб юрисдикцияларининг ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган давлат томонидан уюштирилган рэкетни қўллаш ва ҳимоялашдаги яширин ролини фош этади”, деди.

Ҳисоботда халқаро корпорациялар ва банклар,

жумладан, Citibank, Coca-Cola, Standard Chartered, Lombard Odier ва бошқалар катта маблағ ювилишига олиб келган рэкетчиликда иштирок этгани ҳақида батафсил ёзилган. Маблағ ювишда одатда Британияга тегишли ҳудудлардаги прокси ширкатлардан фойдаланилган. Ҳисоботда яна мазкур офшорлар Каримова учун қандай қилиб миллионлаб доллар қийматга эга шубҳали транзакцияларни амалга оширгани ҳақида ёзилган.

Ҳисобот муаллифи профессор Кристиан Ласслетт: “Далиллар Каримова яхши уюштирилган синдикатнинг рэкетчилик фаолияти Ўзбекистоннинг ижро этиш, қонун чиқариш ҳамда миллий хавфсизлик тармоқлари орқали амалга оширилишини назорат қилиб турганини кўрсатади. Буларнинг ҳар бири синдикатнинг тиши ўлароқ иш юритган. Ўзбекистон ҳукумати систематик тарзда порахўр бўлиб келади. Ушбу ҳисоботдаги далиллар айрим ғарблик тарафлар Каримова қўллаган схемаларда иштирок

этмаган бўлсада, улар ҳақида тўлиқ билганини кўрсатади”, деди.

Ҳисоботда ёзилишича, Ўзбекистондаги коррупция фақат юқори лавозимли ҳукумат расмийлари билан чекланган эмас. Аслида коррупция систематик бўлиб, ҳукуматнинг ҳар бир қатламида илдиз отган. Изланиш м у а л л и ф л а р и н и н г т а ь к и д л а ш и ч а , Каримовнинг жиноий синдикатидаги ёрдамчи ва югурдакларнинг аксари юқори лавозимли расмийлар бўлган. Бу

шахслар Каримова можароси оммага аён бўлганидан кейин ҳам юқори лавозимларда ишлашда давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси Бош прокуратуранинг расмий сайтыда 28 июл куни “Г.Каримовага нисбатан жиноят ишлари юзасидан хабар” сарлавҳаси остида Биринчи президентнинг кизи билан боғлиқ жиноят иши тўғрисида маълумот берган.

Бош прокуратурага кўра, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2015 йил 21 августдаги ҳукми билан 5 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган Гулнора Каримовага, Жиноят кодексининг 6 та моддаси бўйича айблов эълон қилинган ва унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган.

**ЎХХ хабарлар бўлими**

Камбағал бўлиш – айб эмас. Бой бўлиш ҳам (фақат ҳалол тадбиркорлик ва ташкилотчилик билан) айб эмас! Фақат бу ҳолатларнинг келиб чиқиш илдизларига эътибор берган ҳолда ҳулоса чиқаришимиз ва фикр айтишимиз керак...

Баъзан бундай ҳолатлар вужудга келишига мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий муҳит сабаб бўлиши мумкин...

Ундан ташқари, доимий табиий ҳолатлар ҳам бор...

Масалан, кимдандир ташкилотчилик ва бойлик орттириш қобилиятлари бўлади.

Бошқа бировлар – умрини бошқа ишларга, масалан, ижодий ишларга бағишлагиси келади. Бу каби ижодий

## Камбағал бўлиш – айб эмас. Бой бўлиш ҳам...

изланишлар, балки, санъат соҳасида, адабиёт соҳасида, дунёвий илмлар соҳасида ёки техника соҳаларида бўлиши мумкин.

Бу ҳил одамларнинг моддий бойлик орттириш йўлидан юришга вақтлари ҳам, имконлари ҳам бўлмайди...

Бошқа бировлар эса, умрларини тинч меҳнат билан, оила қувончлари билан ўтказишни афзал кўрадилар... Булар ҳам ортиқча бойлик орттириш билан ишлари бўлмайди. Меҳнат қиладилар ва меҳнатлари ҳисобига

оилаларини тебратадилар... Улар шу билан ўзларини бахтли ҳис қиладилар.

Бунинг учун уларни айблаш ҳам фаросатсизликдан бошқа нарса эмас...

Буларнинг ҳаммаси – жамиятимизнинг ўзакларидирлар.

Сиёсий муҳит бу ҳолатлар орасида мувозанатни сақлаб туришга, камбағал меҳнаткашларни, ўзларининг умрларини ижодий ишларга, илм олиш йўлига бағишлаганларни қашшоқ ва муҳтож ҳолатга тушиб қолмасликларига восита бўлиши керак...

Шундагина жамиятнинг табиий ривожланиш йўллари очилган бўлади...

**Ёдгор Обид**  
**facebook.com**



## Усмон Ҳақназаров: Рустам Азимов ва Шухрат Ғуломовнинг август югур-югурлари ҳақида

Яқинда Ислом Каримов вафотига бир йил тўлади. Ўтган йил август ойининг сўнгги кунлари фақатгина ўзбек диктаторининг дафъатан инсулт бўлиши ва ўлими билангина эмас, балки бўшаб қолган Ўзбекистон президентлиги курсисига эга бўлишни жуда ҳам истаган баъзи ўзбек амалдорларининг хирсли ҳаракатлари билан ҳам эса қолди. Шундай қилиб...

### Рустам Азимовнинг АҚШнинг Тошкентдаги элчихонасига қилган махфий ташрифи

28 август, Ислом Каримов инсултга учрашининг эртаси куни, ўша пайтдаги республика Молия вазири Рустам Азимов Тошкентдаги ўз алоқалари орқали АҚШнинг Тошкентдаги элчиси Памела Спратлен билан махфий учрашишга эришди.

Учрашув давомида Рустам Азимов чет эллик дипломатга, Ислом Каримовнинг тирик қолиш имкони жуда камлигини, бу ҳақда фақатгина Бокерия [Лео Бокерия, Тошкентга 27 август куни зудлик билан етиб келган Россиялик врач – У.Х.] эмас, балки маҳаллий врачлар ҳам айтаётганини маълум қилган.

Ушбу гапларидан сўнг Азимов ўз ташрифининг асосий мақсадига ўтган. “Кечаги кундан буён Бош вазир Мирзиёев ва МХХ раисининг биринчи ўринбосари Шухрат Ғуломов ҳокимият учун фаол курашни бошлашди. Мирзиёев Москвага суянмоқда, Ғуломов эса – Иноятовга. Бу вазиятда менга

Америка ҳукуматининг сиёсий қўллаб-қувватлови керак”, дея очик айтган Р. Азимов.

Кутилмаган илтимосга Памела Спратлен, “Демократик Америка ҳар қандай демократик фикрловчи номзодни, фақатгина президентлик сайловлари вақтида қўллаб-қувватлаши мумкинлигини, шундай экан президентликка номзодингизни қўйинг ва балки омад сиз тарафда бўлади”, дея дипломатик равишда жавоб берган.

Бундай жавобни эшитган Рустам Азимов, “Ахир сиз биласиз, бизда сайловларда адолатли ғалаба қозониш имконияти йўқ, чунки адолатли сайловлар ва президентликка номзодни қўйиш имконияти йўқ”, деган. Америкалик дипломат Ўзбекистон Молия вазирининг ғамгин баёнотига жавобан фақатгина елкасини қисиб қўйган.

Ушбу йилнинг бошида Рустам Азимов МХХнинг республика девонида хорижий дипломатик корпусга қилган руҳсатсиз ташрифи ва америка дипломатига махфий маълумотни бериш юзасидан кўрсатма берган. “Сухбат”дан сўнг МХХ терговчилари Азимовдан Ўзбекистон паспортини ва республика худудидан чиқмаслик ҳақида тилхат ёздириб олишган.

Азимовнинг Америка элчихонасига қилган ташрифи ҳақидаги маълумотни ўзбек махсус хизматлари ўз кучлари билан қўлга киритишган. Ўзбек Молия вазирининг Америка элчиси билан суҳбати тафсилотларини эса махсус

хизматлар Лубянкадан олишган.

Шуни таъкидлаш керакки, ўтган йилнинг август ойи охирида Рустам Азимов Оқ уй қўллаб-қувватловини истаган ягона юқори мартабали ўзбек амалдори эмасди. Шундай қилиб...

### Шухрат Ғуломовнинг август югур-югурлари ҳақида

Ўша пайтдаги МХХ раисининг биринчи ўринбосари Шухрат Ғуломов ҳам Вашингтон қўллаб-қувватлашидан умидвор бўлган. У ўз мақсадига эришиш йўлида, биринчи навбатда, АҚШда Ўзбекистон элчиси бўлиб ишлаётган акаси, Бахтиёр Ғуломовни ишга солади.

Ғуломовлар ҳам океан ортидан сиёсий қўллаб-қувватлашни кутишган эди. Ака-укаларнинг асосий вазлари, проамерикачи Ислом Каримов проамерикачи Шухрат Ғуломовни ўзининг сиёсий вориси сифатида оммавий тарзда эълон қилишни мўлжаллагани эди.

“Афсуски, Ислом Абдуганиевич бундай баёнот қилишга улгурмади”, дея ғамга ботади Бахтиёр Ғуломов ўтган йилнинг сентябр ойи бошларида, Вашингтондаги АҚШ давлат департаменти вакили билан учрашув чоғида.

Ғуломовлар Америка ҳукуматидан фақатгина бир нарсани исташганди: Президентлик сайловларига Шухрат Ғуломовнинг номзодини қўйишни таъминланишини. Ҳақиқатдан ҳам, миллиардер Шухрат Ғуломовнинг ғалабаси учун шунинг ўзи етарли эди.

Аммо, ўша пайтда фақатгина ноябр ойида бўлиб ўтадиган президентлик сайловларини ўтказишга тайёргарлик кўраётган Америка ҳукумати, “майда Ўрта Осиё республикаси”да ўз одамларини қўллаб-қувватлашни лозим топишмади. Давлат департаменти вакиллари, бундай тезкор ва катта сиёсий қадамлар қўйишга вақт йўқлигини айтишди. Шундан сўнг Шухрат Ғуломов бу ишга Америка масонларини жалб қилишга қарор қилади.

Америка масонлари билан алоқага чиқиш учун Шухрат Ғуломов нарқобизнес буйича ўзининг Қирғизистонлик ҳамкори Хурсант Асанов ва Бишкеклик “чекист” дўстларига ёрдам сўраб мурожаат қилади. Шундай қилиб...

*(Давоми кейинги саҳифада)*

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

**Бишкек, Шухрат Ғуломовни  
ФЕТО (Туркия ҳукумати  
томонидан террорчиликда  
айбланган, Фатхуллоҳ Гулан  
бошчилигидаги ташкилот)  
ва АҚШнинг ноқонуний  
ташкilotларини боғловчи  
кўприк**

Аввало шунини айтиш керакки, Шухрат Ғуломов расмий Бишкекнинг ФЕТО – Америка масонларининг юраги бўлган Пенсилванияда яшайдиган ва дунё масонларининг маҳаллий бўлими томонидан ҳомийлик қилинадиган Туркиялик илоҳиётчи Фатхуллоҳ Гулан билан махфий алоқалари ҳақида яхши хабардор.

Биз ушбу алоқалар ҳақида билмайдиганлар учун кичик чекиниш қилишга қарор қилдик. Аввало шунини айтиш керакки, Қирғизистон президенти Олмосбек Отамбоев ўз лавозимида фақатгина ФЕТОнинг молиявий ва сиёсий қўллаб-қувватлаши эвазига ўтирибди. Ҳукумат тепасига Кремлнинг қўллаб-қувватлаши, шунингдек Қирғизистондаги антиўзбек шовинизми ва геноцидини ташкил қилиши эвазига келган Отамбоев, бугун Москвадан юз ўғирди ва тўлалигича Пенсилванияга юзланди.

Ушбу йўналишга мувофиқ, Отамбоев ҳаттоки, қирғиз президентидан Қирғизистондаги Гулан лицейлари ва бошқа ташкilotларини ёпишни сўраган Туркия президенти Ражаб Тойип Эрдоғонга ҳам қарши чиқди.

Отамбоев “жасурлиги” шу даражага етдики, унинг қилмишларининг адоғи кўринмай қолди. У фақатгина 2010 йилги Қирғизистон ўзбекларини ўлдиришни ташкил қилишга масъул бўлибгина қолмай, шунингдек қирғиз халқига қарши катта молиявий жиноятлар уюштиргани ҳам унинг виждонига ҳавола. У ўз қирғиз халқини ўмаришни, ҳали давлат раҳбари бўлишидан анча олдин бошлаган.

Отамбоев ҳали Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси котиби ёрдамчиси бўлиб ишлаган вақтида, уюшма ахтиёрлари учун ажратилган 50 миллион АҚШ долларини ўзлаштириб олган. Бу маблағга Отамбоев Бишкекдаги “Автомаш” заводини сотиб олган. Шу тариқа ушбу 50 миллион

Отамбоевнинг катта бизнесдаги бошланғич капитали ва биринчи қадами бўлган.

Ҳозирда у шу даражада бойидики, натижада нафақат Қирғизистонда, балки бошқа ҳорижий мамлакатларда ҳам йирик бизнес-тузилмаларга эга. Хусусан, Туркияда Олмосбек Отамбоевнинг фарзандлари ва куёви номига рўйхатдан ўтказилган қатор меҳмонхоналар, дўконлар ва заводлар иш юритмоқда. Ажабланарлиси шундаки, Туркия ҳукумати турк ҳукуматининг душмани ва ФЕТОнинг Ўрта Осиёдаги дўстининг турк бизнесига хотиржам муносабатдалар.

Буларнинг барчаси ҳақида Шухрат Ғуломов ҳам билган. Шу сабабдан ўтган йилнинг сентябр-октябр ойларида у ўзининг сиёсий мақсадларига эришиш учун ФЕТО ва масон алоқаларини ишга солишга қарор қилади. Бунинг учун Шухрат Ғуломов нафақат қирғиз генерали Хурсант Асановни, балки қирғиз махсус хизматлари раҳбарларини ҳам жалб қилади.

Хусусан, Ғуломов МХҚ контрразведка раҳбари ўринбосари Каптагаевга ўзининг сиёсий манфаатларини Фатхуллоҳ Гулан ва АҚШ масонлари олдида баён қилиши учун ярим миллион доллар ваъда қилган. “Хўжа-афандига (Фатхуллоҳ Гулан – У.Х.) етказинг, агар мен ҳукумат тепасига келсам, бутун Ўзбекистон бўйлаб Гулан лицейларини очаман”, дея сўз берган, 15 йил аввал ушбу лицейларнинг ёпилишида фаол иштирок этган Шухрат Ғуломов.

Ўзининг қирғиз “чекист” ҳамкасблари ва наркобизнес бўйича ҳамкорларини ишонтириш учун, ўтган йилнинг октябр ойида Шухрат Ғуломов улардан 80 миллион долларлик героин ва Россия қуролиларини сотиб олган. Айнан ўша вақтда Қирғизистонда ҳарбий омборлардан Россия қуролилари йўқолиши билан боғлиқ жанжал юзага келган эди.

Аммо Ғуломовнинг ушбу урунишлари кутилган натижаларни келтирмади, чунки на ФЕТО вакиллари ва на Гуланнинг ўзининг атрофидагилар ўзбек махсус хизматлари генералига жавоб беришмади.

Шухрат Ғуломов шахсий тажрибасида жуда ҳам кеч қолганини англади. Сиёсатда ҳал қилувчи аҳамиятга фақатгина 149 миллиард доллар эмас, балки

одамлар ресурси, тарафдорлар сони, доимий алоқалар, бошқа сиёсий кучлар билан яқин иттифоқлар ҳам муҳим ўрин касб этиш аниқ бўлиб қолди.

Ўтган йилнинг сентябр ойидаёқ Ўзбекистоннинг барча сиёсий элитасига республиканинг навбатдаги президенти, Москвадан қўллаб-қувватлаши билан Шавкат Мирзиёев бўлиши аён эди.

Азимов ва Ғуломовга молиявий тарафдан яққол ютқазадиган Мирзиёев, ўзининг махфий рақибларини айнан яқин алоқалар ва иттифоқлар, шунингдек ўз вақтида ва ўйлаб йўлга қўйилган информацион сиёсат қисмида ортда қолдирди. Шундай қилиб...

**Владимир Путиннинг ўтган  
йилнинг 31 август кунги  
Тошкентга қилган яширин  
сафари ҳақида**

2016 йилнинг 30 август куни, Москвадан учиб келган Россия Федерацияси президенти Владимир Путин учоғи, Кўксарой президент резиденцияси яқинида жойлашган Тузел ҳарбий аэродромига келиб қўнди. Россия раҳбари у ердан тўғри Кўксаройга йўл олди. У ерда уни Россия Федерацияси элчиси Владимир Тюрденев, ўзбек-рус олигархи Алишер Усмонов, Ўзбекистон президенти маъмурияти раҳбари Зелмихон Хайдаров, Бош вазир Шавкат Мирзиёев ва МХХ раиси Рустам Иноятов кутиб олади.

Каримов вафот этган эди.

МХХ раиси Рустам Ингоятовдан ташқари барча президентлик лавозимининг Шавкат Мирзиёевга берилиши тарафдори эди. Фақатгина ўзбек махсус хизматлари раҳбари Каримовнинг ўрнига Шухрат Ғуломов келишини истаётган эди.

Рустам Иноятов фикрини эшитган Россия президенти, Иноятов томонидан илгари сурилатган номзод (Шухрат Ғуломов – У.Х.) билан на Назарбоев, на Раҳмон, на Отамбоев ва на унинг ўзи ишлашни хошлашмаётганини, чунки Ғуломов Ғарб махсус хизматлари билан биргаликда Европа Иттифоқи мамлакатларига афғон наркотикларини етказиб беришга алоқадорлигини айтган.

“Бизга Шавкат Миромонович билан ишлаш қулайроқ”, деб

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

гапини тугатган Путин ва барча уни маъқуллагандек бўлган.

Ўзбек амалдорларнинг Россия президенти билан ушбу учрашуви бор йўғи 35-40 дақиқа давом этган. Шундан сўнг Владимир Путин Иккинчи Шаркий иқтисодий форумда иштирок этиш учун Владивостокка учиб кетган.

Айнан шу Дўрмондаги (Кўксарой президент резиденцияси) учрашувда, Иноятов томонидан қўйилган сенатор Ниғматилло Йўлдошев “ўз хоҳиши” билан вақтинчалик Ўзбекистон президенти вазифасини бажариш ваколатидан воз кечиши ва ушбу вазифани Бош вазир Шавкат Мирзиёевга топшириши ҳал қилинган эди.

Ва ўтган йилнинг 8 сентябр куни Ниғматилло Йўлдошев ўзининг конститутивий мажбуриятларидан воз кечган эди. Шу тариқа Рустам Иноятовнинг Шухрат Ғуломов ҳукумат тепасига келгунга қадар Ниғматилло Йўлдошевдан вақтинча раҳбар сифатида фойдаланиш фикри амалга оширилмай қолди. Шундай қилиб...

### Сўнгсўз ўрнида

Ҳозир, АҚШ Кремлга нисбатан янги ва янада қатъий чекловларни эълон қилган бир пайтда, Иноятов ва Азимов Путиннинг Россия президентлиги лавозимидан ўз хоҳиши билан кетишини ёки ағдарилишини кутар эканлар, руҳан энгил тортишди.

Воқеаларнинг бундай ривож топиши, бой берилган фурсатни қайтариш ва ўтган сентабрга қадар имкониятлари етарлича баҳоланмаган ва Ўзбекистондаги сиёсий ҳокимият учун курашда пиёда дея ҳисобланган Шавкат Мирзиёевни “ўрнига қўйиш” умидини беради.

Фикримизча, бундай ҳолатда Шавкат Мирзиёев ичкисиёсий аренадаги кераксиз унсурларни (Рустам Иноятов, Ботир Парпиев ва Рустам Иноятов) бартараф қилишни орта сурмаслиги керак.

Такрорлаймиз: Сиёсат қатъиятсизлик ва чала қадамларни кечирмайди!

**Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,**  
сиёсатшунос  
11.08.2017

Янги эълон қилинган рақамлар Ўзбекистонда ҳар йили 1 миллион иш ўрни фақат қоғозда “барпо этилган”ини яна бир бор кўрсатган.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда бошлаган ислохотлар “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини



## Каримов даврида ҳар йили 1 миллион иш ўрни фақат қоғозда “барпо этилган”

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” деб номланди ва 15 август куни, айтиш мумкинки, ушбу стратегияни ҳаётга татбиқ этишнинг дастлабки сарҳисоби қилинди.

Президент Мирзиёевнинг 15 августдаги фармойишида айтилишича, 2017 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда 84300 иш ўрни ташкил қилинган.

Шуни таъкидлаш керакки, шунча иш ўрни мамлакат раҳбариятининг ўзбекистонликларни мамлакатнинг ўзида иш билан таъминлашга фаол ҳаракат қилаётгани, маҳаллий ҳокимликлар, бошқа бошқарув тизимини янги иш ўринлари барпо этишга мунтазам чақириб, рағбатлантириб келаётгани манзарасида кузатилмоқда.

Бундан олдинги 12 йил мобайнида Ўзбекистонда ҳар йили 1 миллион иш ўрни яратилгани ҳақида ҳисобот бериб келинди.

Бу рақамлар фақат қоғозда бўлиб келганини тан олган Президент Мирзиёев йилига 300 минг ишчи ўрни яратиш мақсадида эканини айтди.

Агар Ўзбекистон Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” деб номланган фармойишга таяниладиган бўлса, йилнинг биринчи ярмида Президент Шавкат Мирзиёев истаган 300 мингнинг атиги тўртдан бир қисмича иш ўрни барпо этилган.

Ва иш ўрни яратиш мақсадидаги ҳаракатлар шу зайл давом этадиган бўлса, йил охиригача 300 мингнинг ярми – 150 мингдан кўп инсон ишли бўлади.

Ҳукумат демографик босим остида қолгани рост ва ҳар икки йилда 1 миллион ёш инсон мустақил ҳаётга қадам қўймоқда.

Яқинда Ўзбекистон аҳолисининг сони 32 миллион 300 мингдан ошди.

Ҳар қанча иқтисод кучли бўлса-да, бир давлат ўз фуқароларининг ҳаммасини ҳам ўз мамлакатада иш билан таъминлай олмаслиги табиий ва Ўзбекистон ҳукумати Россия, Жанубий Корея, Уммон каби мамлакатлар билан меҳнат миграциясини янада ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда.

Яқинда ҳар йили Польшага 2,5 минг ўзбекистонликни ишга юбориш битими кучга киргани хабар қилинди.

551 Ўзбекистон фуқароси Жанубий Кореяга юборилгани маълум бўлди.

Июль ойи охирида Россияга ишлаш учун кетаётган ўзбекистонликлар билан Бандлик вазири учрашди.

Россиянинг Новосибирск вилояти расмийларига кўра, 2016 йили 20 минг, 2017 йилнинг августигача 12 минг Ўзбекистон фуқароси ишлаш учун рухсатни кўлга киритганлар.

Россия ўзбекистонлик мигрантлар энг кўп меҳнат қилаётган мамлакат бўлиб қолмоқда. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, 3 миллион киши хорижда ишлаб оиласига пул юбормоқда.

Россиядаги ўзбекистонликлар сони 1 миллион 700 минг атрофида деб кўрилади.

Сўнгги расмий рақамлар Ўзбекистоннинг ўзида кўпроқ иш ўринларини барпо этиш, хорижда ишлаётган ўзбекистонликларнинг ишлаш ва яшаш ҳуқуқларини муҳофаза қилишни кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Манба: Би-би-си Ўзбек



## МУҲАММАД СОЛИХ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЛОТИН ЁЗУВИГА ЎТИШИ ТЎҒРИ ҚАРОР БЎЛГАН!

«Эрк» Демократик партияси лидери Муҳаммад Солиҳ Қозоғистоннинг йил охиригача лотин ёзувига ўтиш қарорини қўллаб қувватлашини билдирди.

Қозоғистон президенти Назарбоев йил охиригача кирилл алифбосидан лотин ёзувига ўтиш режасини ишлаб чиқиш, 2018 йилдан мутахассисларни янги алифбога ўқитиш ва ўрта мактаб учун лотин алифбосида китоблар чиқаришни бошлаши кераклигини тайинлаган.

Лотин имлосига Ўзбекистон 90 йиллар бошида ўтган, Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистон ҳукуматига бу таклифини олиб чиққан парламент гуруҳи етакчиси бўлган эди.

### Ўзбекистоннинг лотин ёзувига ўтиши сиёсий қарор бўлган

Бу қарор энг аввало ўзбек лингвистикаси қонуниятларидан келиб чиққан эди, чунки кирилл алифбосидаги ёзув бу талабларга жавоб бера олмасди.

«Бирок 90 йилларда лотинга ўтиш масаласи туркий халқларни бир бирига яқинлаштирувчи сиёсий аҳамият касб этди», деди Муҳаммад Солиҳ Элтуз мухбири билан суҳбатда.

Чунки, ўша даврда туркий тилда гаплашувчи ўзбек, қозоқ, озарбайжон, қирғиз, туркман халқлари учун мустақиллик ғояси умумий аҳамият касб эта бошлаганди.

### Кирилл алифбоси ўзбек тилининг бузилишига, қардош халқларнинг узоқлашувига хизмат қилди

Бугун Туркияда яшаётган ўзбек сиёсий лидери Муҳаммад Солиҳ 80 йиллардаёқ кирилл имлосидаги қусурлар ҳақида қатор мақолалар ёзган.

Хусусан, Муҳаммад Солиҳ 1985 йили туркий халқларнинг қадимий Дулбарчин рунний ёзувига ўтиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида ҳам ёзиб чиққан эди.

Унинг сўзларига кўра, туркий тилга хос сингармония хусусияти лотин алифбосида кўпроқ мужассам.

20 йилларда Совет Иттифокидаги туркий халқлар вакиллари маслаҳатлашиб лотин ёзувига асосланган имлони қабул қилган эдилар, кейинчалик Туркия давлати ҳам лотинга ўтди.

«Бу имло Ўзбекистонда 20 йилча ҳукмрон бўлди. Бирок рус шовинистлари босими остида Ўзбекистон кирилл имлосини қабул қилишга мажбур бўлди», дейди Муҳаммад Солиҳ.

У кирилл имлоси сабаб ўзбек тилидаги сингармония қоидаларининг бузилганини айтади. Бунга мисол қилиб, ўзбек, қозоқ, қирғиз хонандалари кўшиқ композициясидаги ўзбек матни сўзларини келтиради.

«Ўша ерда, самарқандлик

қизимиз менимча, «турк» калимасини «турк» деб гапиради», Бу энди Каримов бизга тақдим қилган лотин имлосидаги сингармония қоидаларининг бузилиши натижаси».

### Туркия туркчаси – туркий дунёнинг мулоқот тили

Муҳаммад Солиҳ фикрича, алифболарнинг ўзгариши совет иттифоқи ҳудудидаги маданияти ва тили бир бўлган халқларнинг бир бирдан узоқлаштирди.

Шунингдек у туркий тилда гаплашувчи халқларнинг ўртоқ тили сифатида Туркия лаҳжасидаги тил қабул қилиниши керак деган фикрда.

«Чунки бу тилда кам деганда

120 миллион халқ гаплашади ва ёзади. Бу тил қоидалар анча мукамаллашган», дейди Муҳаммад Солиҳ.

### Қозоқлар тез ўтсин лотинга, Каримов режими ҳатосини такрорламасин

Муҳаммад Солиҳ ўзбек имлосини ислоҳ қилиш йўлидаги Каримов йўл қўйган сусткашлик ва хатоларни бирма-бир санаркан, қўшимча унли ҳарфларни киритиш ва ортиқчаларини олиб ташлашга зарурат борлигини айтади.

«Бундан ташқари, чорак аср бурун биз киритган таклифлар ҳамон ҳаётга тадбиқ этилгани йўқ, ҳамон ким истаса кирилда, истаса лотинда ёзиб юрибди» дейди Муҳаммад Солиҳ.

Президент Назарбоев Қозоғистоннинг кирилдан лотинга 2025 йилгача муддат ичида ўтишини таклиф этмоқда.

Қозоғистон парламентидаги кўпчилик депутатлар қўллаб-қувватлаган бу таклиф, лотин алифбосига босқичма-босқич ўтишни кўзда туттади.

«Каримов режими миллий бир режим бўлмагани учун биринчи ўринда туриши керак бўлган тил масаласини муттасил орқага суриб келди, қозоқлар бу хатоларни такрорламасин, чўзишмасин бу жараённи», дейди Муҳаммад Солиҳ.

Манба: *Eltuz.com*



“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Тошкентнинг Чилонзор туманида яшовчи 56 киши сафида журналист Хайрулла Ҳамидов ҳам назоратда турувчилар “қора рўйхати”дан чиқарилди. 5 август куни Facebook саҳифасида хабар улашган журналист энди Ўзбекистон телевидениесида спорт шарҳловчиси бўлиб ишлаш олишига умид билдирди. Бироз муқаддам журналист устидан яна бир жиноят иши очилгани маълум бўлганди.

Ўзбекистонда диний мазмундаги маъруза ва шеърлари билан танилган 42 яшар журналист Хайрулла Ҳамидов, Kun.uz нашрига берган интервьюсида: “Энди ТВ раҳбарияти кўрқмасдан мени ишга чақиришлари мумкин. Шарҳни соғинганман”, деди.

Хайрулла Ҳамидов шу пайтга қадар унинг “қора рўйхат”га киритилгани Ўз-ТВ раҳбариятини чўчитиб келган бўлиши мумкинлиги ва эндиликда, бу рўйхатдан чиқарилганидан хурсандлигини билдирди.

42 яшар журналист диний мотивдаги айбловлар билан 5 йиллик қамоқ жазосини ўтаб чиққач, диний мотивдаги айбловларда гумон қилинган назоратдаги фуқаролар рўйхатида сакланаётган эди.

Ҳамидов ҳар ой ўзи яшайдиган туман ички ишлар бўлимига бориб туриши, шаҳардан чиқиш учун ИИВдан руҳсат олиши, муҳими, ҳар куни соат 22:00дан 06:00гача уйда бўлиши шарт эди.

Бунга қадар Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси раҳбарлари таникли журналист ва футбол шарҳловчиси 42 яшар Хайрулла Ҳамидовга нисбатан Ўзбекистон Жиноят кодексининг 216 моддаси билан яна бир жиноят



## “Қора рўйхат”дан чиқарилган Хайрулла Ҳамидов ТВга қайтишни ният қилмоқда

иши қўзғатгани маълум бўлган эди.

Эндиликда ўзига нисбатан “қора рўйхат” доирасида кўйилган чекловлардан батамом озод қилинганини тасдиқлаган журналист бафуржа суҳбатлашишга ҳозирча фурсати йўқлигини ва тез орада барча саволлар, хусусан, навбатдаги терговга доир саволларга ҳам жавоб беришини билдирди.

Хукуқ-тартибот идоралари томонидан тузиладиган “қора рўйхат”га диний мотивлар билан қамалганлар, тақиқланган диний-экстремистик гуруҳларга алоқадорлар, мойиллик кўрсатганлар ёки адашиб қўшилиб қолган шахслар ҳамда уларнинг оила аъзолари киритилади.

26 июлда Ўзбекистон Мусулмонлар идораси ходими назоратда бўлган шахслар билан имомлар ва ҳокимликлар вакиллари

июл ойи ичида ўтказган суҳбатлар натижасида 4 минг 152 киши “окланган”, яъни “қора рўйхат”дан чиқарилганини айтган эди.

42 яшар журналист Хайрулла Ҳамидов диний мотивдаги айбловлар билан 5 йил қамоқ жазосини ўтаб чиққан.

У 2010 йилнинг 27 май куни Тошкент вилоят Жиноят ишлари бўйича суди ҳукми билан “Жиходчилар” диний-экстремистик гуруҳига алоқадорликда айбдор, деб топилиб, 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган эди. 2015 йил 11 февралда, амнистия актига мувофиқ, озодликка чиқарилган.

Спорт шарҳловчиси бўлган Хайрулла Ҳамидов ўз шеър, эссе ва диний маърузалари билан ҳам ўзбекистонликлар орасида яхши танилган. 2000-йиллар охирида унинг аудио, ва видео чиқишлари нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида ҳам кенг тарқалди.

Хайрулло Ҳамидов ўз чиқишларида диний мавзулар билан бирга, долзарб ижтимоий муаммоларни кўтариши билан ҳам эътибор қозонди.

У асос солган “Одамлар орасида” рўзномаси қисқа вақт ичида Ўзбекистонда энг кўп сотиладиган нашрга айланган, аммо олти ойдан сўнг турли важлар билан ёпиб қўйилганди.

Хайрулла Ҳамидовнинг шеърлари тўплами 2013 йилда Лондонда ўзбек ва инглиз тилларида чоп қилинган.

**ЎХХ хабарлар бўлими**



“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Тожикистон Эронни 1990 йиллардаги ватандошлар уруши пайтида таникли тожик намоёндаларига, жумладан, парламентнинг собиқ раиси Сафарали Кенжаевга суиқасдларни уюштирганликда айбламоқда. Эрон ҳозирча Душанбенинг бу каби айбловларига расман муносабат билдиргани йўқ.

## Тожикистон Эронни тожик арбобларини ўлдиришни молиялаштирганликда айблади

Тожикистон Миллий телевидениясида 8 август кuni намоёиш этилган 45 дақиқали ҳужжатли фильмда Ички ишлар вазирлиги расмийлари Техрон Тожикистонда ватандошлар уруши оловини ёқишдан манфаатдор бўлган, деб таъкидладилар.

Фильмда айтилишича, Техрон ватандошлар урушида Тожикистон Ислому уйғониш партиясини молиялаган ва унинг жанггариларини Эрон ҳудудида тайёргарликдан ўтказган.

Ҳужжатли фильмда ўзини собиқ исломий жангари, деб таништирган шахс Эронга 1995 йилда жўнатилганини айтди. Фильмда таъкидланишича, бу жангари Эроннинг Қум шаҳрида 200 ватандоши билан биргаликда

қўпоровчилик фаолияти бўйича ҳарбий тайёргарликдан ўтказилган.

Ўзини жангари деб таништирган одам фильмда 1997 йилда Эрондан давлат ва жамоат арбобларини ўлдириш бўйича аниқ кўрсатма билан Тожикистонга қайтганини айтиб берган.

Ички ишлар вазирлигининг билдиришича, Эрон маблағларни ва қотилликларни амалга ошириш

бўйича инструкцияларни 1990 йилларда Ислому уйғониш партияси лидерларидан бири бўлган Абдуҳалим Назарзода орқали жанггариларга етказиб турган.

Тожикистон мудофаа вазирининг собиқ ўрнибосари Назарзода 2015 йилда Душанбе яқинида давлат тўнтарышига урунишни уюштирганликда гумонланганларни йўқ қилиш амалиёти пайтида отиб ўлдирилган эди.

1997 йилдан 2004 йилгача Тожикистонда қатор давлат арбоблари қотиллик қурбонларига айланган.

Ўша йилларда олимлар Муҳаммад Осимий, Юсуф Исоқий, ёзувчи Саиф Афардий, президент маслаҳатчиси Карим Йўлдошев,

Тожикистоннинг собиқ муфтийси Фатхуллоҳон, таникли журналист Отахон Латифий ва Тожикистондаги Россия армиясининг 20 зобити ўлдирилган эди.

Тожикистон ва Эрон ўртасидаги муносабатлар Душанбе томонидан террорчи ташкилот сифатида фаолияти тақиқланган Ислому уйғониш партиясини Техрон очиқ қўллаб-қувватлаётгани ортидан ёмонлаша бошлаган эди.

2015 йилнинг кузида ватандошлик уруши пайтида Бирлашган тожик муҳолифатининг асосий ўзаги бўлган Ислому уйғониш партияси мамлакатда “қонундан ташқари”, деб эълон қилинган эди.

Бу партия суд томонидан “террористик ташкилот” деб эълон қилинганидан сўнг партиянинг ўнлаб тарафдори ҳибсга олинган, партия раиси Муҳиддин Кабирӣ эса Интерпол томонидан халқаро кидирувдаги шахслар рўйхатига тиркалган.

Муносабатлар ёмонлашганидан бери биринчи марта Душанбе Техронни қотилликларни қўллаб қувватлашда айбламоқда.

Эрон ва Россия 1997 йилда Тожикистонда 5 йил давом этган ватандошлар урушини якунлаш ва миллий ҳамжихатликка эришиш бўйича ўтказилган музокараларда асосий ўртагачилар бўлган эди.

**ЎХХ хабарлар бўлими**

Ҳозиргина уйдан тилпон қилишди.

Туманимиз ҳокимиятига чақирибди.

Бу ёғи ҳамма биладиган гап: ўзлари тузган “қора рўйхат”дан менинг номимни ўчиришганини эълон қилишибди! Юрдан чеккадагилар қайтсин, билет олиб беришимиз ҳам мумкин дейишибди.

Тафсилотини ёзиб ўтирмайман. Мен айтадиган гап бошқа:

Мен сизларнинг “қора рўйхат”ларинга лойиқ иш қилганим йўқ! Мен Ислому Каримов ўрнатган тузумнинг камчиликларини таҳлил қилиб китоб ёздим, шу ҳолос!

Афсус, Каримов сиёсати “Бу кунлар”да кўрсатилган камчиликлар бир ёқда қолиб, камчиликни кўрсатган одам билан шуғулланишга киришиб кетди. Уйимга десант ташлади, айрим

## Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон: “Қора рўйхат”дан номимни ўчиришди

қўлёзмаларим ва китобларимни мошинга босиб олиб кетди. Интернет тармоқларида номимни булғай бошлади.

Мен бу ишлар ҳақида халқимга шикоят қилмадим, индамадим. Фақат, фб. да бир гал: “Давлатимга ҳайронман, мен билан шуғуллангунча камчиликлар билан шуғулланса бўлмайдими?!” деб ишора қилдим, ҳолос.

Мана, бўларкан-ку! Бугунги Президент салафидан қолган камчиликларни тузатишга киришди! Жиддий киришди шекилли, энг хунук мерослардан бирини – “қора рўйхат” деган балони ўртадан кўтарди! Менинг ва мен каби минглаган ватандошимизнинг юзини қора деганларнинг ўзларининг юзи қора бўлди! Энди, иншаоллох,

тез кунларда қамоқларда ҳақсиз ётганларга ҳам қутқарилиш онлари келади деб ўйлайман.

Ҳақиқат аста-секинлик билан бўлса-да қарор топиб борапти. Оллоҳнинг қудратига қойил қолмасдан илож йўқ: ердаги бу рўйхатни тузган ва туздирган золим ўлди, у тузган “қора рўйхат” орқасидан зўрға бир йилга бориб-бормади – тарихдан ўчди, алҳамдулиллоҳ!

Аммо, золимлар унутмасин, Оллоҳнинг бир қора рўйхати борки, у ҳеч қачон ўчмайди! У рўйхатнинг энг бошларида...

Шуниси кўнгилларга таскин беради.

Оллоҳ буюқдир!

**Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон**  
facebook.com

Ўзбекистон президенти учун янги резиденция қурилиши боис уйи бузилган ўнлаб кишилар Тошкент вилоят, Қибрай туман, Байтқўрғон қишлоғидаги мактаб, оромгоҳ ва қариндошларининг уйларига жойлаштирилган.



Йўл бўйида яна уйлар бузилади Байтқўрғонлик 35 яшар йигитнинг Озодликка айтишича, йўл бўйида яшайдиган хонадон соҳиблари уй бузилиши борасида огоҳлантириш олишган.

## МИРЗИЁЕВ ҚАРОРГОҲИ БОИС УЙИ БУЗИЛГАНЛАР ВАҚТИНЧА УЙСИЗ ҚОЛДИ

Исми сир қолишини истаган Қибрай туман ҳокимлиги мулозимига кўра, уйи бузилиб, вақтинча мактаб ва яқинларининг уйларига жойлаштирилганлар кўпи билан 20 кун ичида янги уйларга кўчиб ўтишади. Қибрай туман ҳокимлиги мулозимининг яна айтишича, президент қароргоҳи қурилгани боис, уйлари бузилганларга коттежлар калити сентябр ойида берилади.

Байтқўрғон қишлоғидаги маҳаллий аҳоли вакиллари билан суҳбатлашган Озодлик мобил мухбирининг аниқлашича, Байтқўрғондаги 21- мактабга уйи бузилганлардан баъзилари жойлаштирилган. Шунингдек, мухбиримиз 15- мактаб ичида аёллар ва болаларнинг яшаётганлигини кўрган. “Улар янги уйларнинг тезроқ битишини зориқиб кутишмоқда”, деди мобил мухбиримиз.

Озодлик мобил мухбири уйи бузилганлар учун қурилаётган янги уйларни бориб кўрди ва у суҳбатлашган қурувчилардан бири бу уйларнинг 20 кун ичида битиши амри-маҳол эканлигини айтган.

Унга кўра, 11 август кунги ҳолатда уйи бузилганлар учун қурилаётган бир қаватли ёштин уйлар ҳали сувоқдан чиқмаган ва томи ёпилган ҳолос.

### Ҳар бир оила уй билан таъминлансин

Байтқўрғон қишлоғида яшайдиганларнинг Озодлик мобил мухбирига айтишича, улар “Бир бузилган уй учун битта янги уй берилади”, деган ҳолатдан норози бўлишган:

– Бузилган уйда ўндан зиёд одам, уйланган ака-укалар истиқомат қилган бўлса ҳам уларга фақат битта уч ёки тўрт хонали уй беришган. (Гап қурилаётган уйлар ҳақида кетаяпти – таҳр.) Одамлар бундан норози. Бу ҳолатда ҳукумат барча оила аъзоларига етадиган қилиб уй билан таъминлаши керак, деб

одамлар талаб қилишмоқда, деди икки кун мобайнида Байтқўрғонни кезган мобил мухбир.

Байтқўрғондаги президент қароргоҳи қурилиши боис, ўнлаб уйлар бузилган ва кўчалар кенгайтирилиб, арчалар экилган. Мобил мухбир билан суҳбатлашган маҳалла турғунлари Байтқўрғондаги “президент трассаси”, деб атала бошлаган йўл яна кенгайтирилиб атрофда яна уйлар бузилиши мумкинлигидан ҳавотир билдиришган.

### Компенсациями ёки ипотека?

Озодлик суҳбатлашган қибрайлик аёл қариндошларига уйи бузилгани учун берилган (Гап қурилаётган уйлар ҳақида кетаяпти) янги уйлар ипотека кредити сифатида расмийлаштирилганлигини айтди:

– Уйлари бузиб ташланган одамлар уйсиз қопкетишди. Қариндошлариникида яшавотти. Бизани қариндошимизга янги уй жой қиберишти. Лекин улар энди кредит тўлашотти янги уйига, деди суҳбатдош.

Қибрай туман ҳокимлиги мулозими Озодлик билан суҳбатда бу масалага ойдинлик киритди. Унга кўра, бузилган уй учун берилган товон пули билан янги уй нархи орасидаги тафовут имтиёзли ипотека кредити сифатида расмийлаштирилган ва бу ҳам катта сумма эмас.

### Ҳамма ҳам норози эмас

Байтқўрғонда яшовчи ва ўзини Равшан Қодиров деб таништирган уйи бузилганлардан бири “ҳеч ким норози эмас. Уйи бузилганларга намунали уй ҳам, яна бўш ер ҳам берилди”, дея таъкидлади:

– Қароргоҳ қурилиши муносабати билан уйимиз бузилди. Лекин, оиламизга оид 12 сотихли эски оддий уйни барча нарсасини тўқис кўчириб янги кўчган жойига обориб беришди. Давлатдан норози эмасмиз, деди Равшан Қодиров.

– Энди Дўрмондан бошлаб Арғин, Қибрай, Байтқўрғонгача бўлган уйлар бузилади, деб ҳокимликдан огоҳлантириб кетишди. Чирчиқгача бузилади, дейишди. Бу йўл ёқасидаги уйлар. Асосан, хонадонлар тушган. Уларни бузиб Янгибозордан ер беришар экан, деди суҳбатдош.

### Байтқўрғоннинг мартабаси ошиди

Жорий йилнинг 24 июл куни президенти туғилган кунда очилган қароргоҳ Байтқўрғон қишлоғининг Кангли кўчасидаги “Оқ ковок” темир йўл бекатига яқин ерда жойлашган.

Ҳозирда тўлиқ баланд девор билан ўраб олинган қароргоҳ, тақрибан бир неча гектарни эгаллаган.

Қибрай туман ҳокимлиги расмийсига кўра, қароргоҳ буюртмачиси Ўзбекистон Президенти маъмуриятидир. Унинг яна айтишича, қурилиш ишларига президент маъмурияти раҳбарининг ўринбосари Ойбек Турсунов бош-қошдир. Ойбек Турсунов – Ўзбекистон президентининг катта куёви.

“Президент қароргоҳи атрофида улкан девор тикланиши ва қурилиш билан боғлиқ шовқин тинчини бузганидан байтқўрғонликлар нолимоқда”, - деди мухбиримиз.

Ўтган йили Ўзбекистон президенти Ислоҳ Каримов ўлганидан кейин у ишлаган Оқсарой, Қўқсарой ва Дўрмон қароргоҳи бўш қолган.

Шавкат Мирзиёев президент бўлиб сайланганидан кейин Оқсаройга кўчиб бормасдан, олдинги Алишер Навоий кутубхонаси ўрнида қурилган Сенат биносида фаолият юрита бошлаган ва ўзининг Қорасув- 2 массиви, Шамс кўчасидаги ховлисида яшаб келган. Ҳукумат қарорига кўра, Оқсарой музейга айлантдирилди.

**Манба:** “Озодлик” радиоси

## Усмон Ҳақназаров: Шухрат Ғуломов умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди

2017 йилнинг 10 август кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Ҳарбий суди (Трибунал) МХХ раисининг собиқ биринчи ўринбосари, генерал Шухрат Ғуломовни, давлатга етказилган 1 ярим миллиард доллар миқдоридagi молиявий зарарни қоплаш шартин билан умрбод қамоқ жазосига ҳукм этган.

Суд жараёни давомида маълум бўлишича, Шухрат Ғуломов пулларни Ўзбекистондан олиб чиқиш учун, ҳозирда Бирлашган Араб Амирликларининг (БАА)

Дубай шаҳрида яшаётган, ўзбек махсус хизматларининг нафақадаги офицери Юрий Савинковнинг хизматларидан фойдаланган. Юрий Савинков ўзининг “контора” бўйича ҳамкасбига Ғарб банкларида ҳисоблар очиш ва у ерга Ғуломовнинг пулларини ўтказишга ёрдам берган.

Бундан ташқари, Юрий Савинков Шухрат Ғуломовнинг қурол савдосини йўлга қўйишда қатнашган, шунингдек Ғуломовнинг маблағлари ҳисобидан Ғарб мамлакатларида

яшайдиган ўзбек муҳолифати вакиллари уларни ўлдириш ва суиқасд уюштириш учун тўловларни амалга оширган.

Судья умрбод қамоқ жазоси ҳукмини ўқиб эшиттиргач, Шухрат Ғуломовга сўнгги сўз берилган. Суд маҳкамасидаги ўзининг сўнгги нутқида МХХ раисининг собиқ биринчи ўринбосари фақат бир оғиз гап айтган: “Барчангиздан нафратланаман!”.

**Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,**  
*сиёсатшунос*  
11.08.2017

“Тестга ишонмайман, рассомлар математикадан тест топширмасин, ашулачи қишлоққа бориб қўшиқ айтсин, ликкиллаб қўшиқ айтадиганга халқ артисти берилмасин, дабадабали тўй қилишга йўл қўйган ҳокимга ҳайфсан берилсин”.

Мирзиёев бу ва бошқа ўнлаб таклифларни 3 августдаги битта мажлисда айтди.

Давлат раҳбари айтаётган шу таклифларнинг ҳар биттасини хабар қилса арзийди.

Зотан битта мажлиснинг ўзида “Мақомчилик” ва “Дикторлик” мактаби яратиш ва уларга Абдухашим Исмоилов ва Абзал Рафиқовларни директор қилиб тайинлаш таклифи ҳам президентдан чиқди. Шералидан бошқа барча Халқ артистлари коллежга директор бўлсин дейилди.

Бу эшитган одамнинг қўлоғига ёқадиган гаплар. Сиёсатда буни популизм деб аташади.

Кўпинча популистик риторикада айтилган гаплар ўша мажлиснинг ўзида қолиб кетади.

Масалан Туркиянинг эски Бош вазири Дамирал халқ билан учрашувида ҳар бир туркка иккита калит ваъда қилган эди.

Квартира ва автомобил калити. Кейинги йиғилишда халқ Дамиралдан “калит қани?” деб сўраганида Бош вазир “Кечанинг гапи бугунга тўғри келмайди” деб жавоб қайтарди.

Ўзбек қавми раҳбарга ваъдани бажармаслик ҳақида эслатишдан андиша қилади. Масалан ҳеч ким “Қани товук, қани тухум, қани эчкини сути ва лимон” деб сўрамади.

Сўрасам гўштни нарҳи яна баландлайди деб ирим қилади.

Бу қавм фақат “қўллаб қувватлайди” тарихий хотира бор

## Қўлоққа ёқадиган гап

бу қавм генида.

Горбачевнинг ароққа қарши маърақасини қўллаб қувватлаб туриб “чойнакка ароқ солиб ичишни кашф қилган” бу қавм Мирзиёев қарори билан жорий қилинган эчки товук учун банкдан кредит олиб пулни тўйга ё боласини институтга киритиш учун порага сарфлашни ҳам “уддалайди”.

Яша уддабуррон.

Яъни ташқаридан ўзини Мирзиёев гаплари “қўлоғига ёққандек қилиб кўрсатган” бу қавм барибир ўз билганидан қолмайди.

Каримов “Дабадабали тўй қилма” деганида ТВга чиқиб Беҳбудийни эслаган мулозим сал ўтмай Самарқанднинг Шердор майдонида тўй қилгани эсимда. Мен эсламасам Ютуб эслайди. Ютуб ўзбек мулозимларнинг дабадабали тўйлари акс этган видеолар билан тула.

Бир профессор ТВ га чиқиб олийгоҳларни битириб диплом олган мутахассис республиканунг олис жойларига бориб ишласин. “Ватаннинг ҳар бир нуқтаси азиз” деб айтганида таъсирланиб кўзим намланган эди.

Аммо бир ҳафта ўтиб бу профессорни тоғамнинг уйида кўриб қолдим.

Министр бўлиб ишлайдиган тоғамдан бу профессор институтни битириган ўғлини Тошкентда ишда қолдириш (албатта вазирликда) илтимоси билан келган эди...

Мавзу популизм эди. Мулозим оғзидан чиқиб ватандош қўлоғига сарёғдек ёқадиган гаплар ҳақида мулоҳаза юритаётган эдим.

Ўз вақтида марҳум Туркманбоши Сапармурод Ниёзов ҳақида

мақолалар ёзиш асносида бундай гапларни кўп эшитган эдим.

“Нега дориларнинг устига лотинча аналгин деб ёзади, бош оғриғи дориси деб ёзсак ҳамма тушунади” деган эди марҳум.

Ва бу гап туркман халқи ва “зиёли”ларга ёққан эди.

Бир кун ўтиб дорилар устидаги қўтига “Бош оғриғи дориси” деб ёзиб ҳам қўйишди.

Аммо бу билан сиёсатнинг асосий бош оғриғига даво топилмади.

Сиёсатчилар одато ҳукуматга келгунча популизм билан шуғулланади.

Иқтидорга келган сиёсатчидан реформа кутилади. Касал одам уйига доктор чақирса ундан даво кутади.

Доктор келиб латифа айтиб қайтиб кетса касал ҳам унинг яқинлари ҳам ғалати аҳволда қолади.

Сингапур қаддини кўтарган Ли Куан Ю, Грузияда коррупцияни йўқ қилган Саакашвили, Россияда бозор иқтисодини жорий қилган Егор Гайдар, 1979 йилда Британия иқтисодини реформа қилган Маргарит Тетчер айнан жиддий ва касал кўз ёшига ичи ачимайдиган доктор каби иш тутишган эди.

Результат эса тарих ҳукмида турибди.

25 йил Каримов популизмга банги бўлган 32 миллионлик қавм энди ўзининг “ломкасини” Мирзиёев популизи билан доволамоқчидек.

Шу ўринда мен чор давридаги реформатор Столыпиннинг 1907 йилда Россия Думаси депутатларига қарата айтган машҳур гапини сал ўзгартириб сўнг сўз қилсам.

Жаноблар сизга буюк ҳаяжон керак, бизга эса реформа қилинган кучли давлат керак.

**Шухрат Бобожон**  
**“Озодлик” радиоси ходими**



## КИРИЛМИ ЁКИ ЛОТИН?

*Ўзбекистонлик бюрократ, “олим” Шухрат Ризаевнинг кирил алифбосини қайта тиклаш каби жоҳилона “ташаббуси” Муҳаммад Солиҳнинг бир неча йиллар муқаддам Fergananeews.com сайтида босилган куйидаги мақоласини яна долзарб қилмоқда. Марҳамат, ўқиб хулоса чиқаринг. УХХ вебсаҳифаси тахририяти*

\*\*\*

### “УНЛИЛАР УЙҒУНЛИГИ” ТУРК ҚАВМЛАРИНИНГ УЙҒУНЛИГИДИР

Ўзбек тили Буюк Турк тилининг бир шоҳабчаси ўлароқ сингармоник тил, яъни унли сасларнинг уйғунлигига қурилган бир мусиқий тилдир. Сингармонизм ҳақида, янглишмасам, 1984 йилда (мистик шоир Сўфи Оллоёр шеърлари мисолида) бир мақола ёзган ва бу мавзуда бир тилчи дўстимиз билан анча тортишгандик.

Сўфи Оллоёрнинг мисраси шу: «Ичингда ўт бўлса ўт ичиндан ўт». Камина ўзбекларнинг мавжуд кирил алифбоси айнан шу мисрадаги учта товушни битта ҳарф (иероглиф) билан белгилагани унлиларнинг ўша гўзал уйғунлигини хароб қилганлигини иддао қилгандим.

Биринчи «ўт» сўзи “жасорат” маъносини беради.

Иккинчи «ўт» – “олов”,  
Учинчи «ўт» – буйруқ феъли «ўт!» («ўтиб кет!»)дир.

Ғайримиллий тилчиларимиз бу учта товушни битта ҳарф билан ифодалашга уринганлар ва тилимиздаги унлилар уйғунлигига

катта зарар берганлар.

Яъни “унлилар масаласи” бугун пайдо бўлгани йўқ.

Бу масала 84 йилда ҳам, ҳатто 20-йилларда жаҳидлар зомонида ҳам илк пайдо бўлмаганди. Бу муаммони улардан ҳам олдин, 16-асрда, Туркистонда “зерикканидан” Ҳиндистонга кетиб, у ерда Империя курган андижонлик Заҳриддин Муҳаммад Бобур кўтарганди ва араб алифбосида туркчадаги унли сасларини ифодаловчи ҳарфлар йўқлигидан нолиганди.

Ҳеч шубҳасиз, сингармонизм қонуниятига энг уйғун алифбо Ўрхун ёзувлари эди, аммо бу имло аллақачон тарихга кўмилди, уни қўллашнинг имкони йўқ, зеро сўнгги минг йил ичида турк тили фонетик ва морфологик жиҳатдан ўзгарди.

“Унлилар муаммоси” Советлар даврида янада чуқурлашди. 30-йилларда болшевиклар тарафидан юритилган нотўғри тил сиёсати – ўзбек адабий тилининг фонетика ва морфологияси фақат Тошкент ва Фаргона шевалари устига қурилиб, қолган шевалар истеъмолдан чиқарилгани ва кирил алифбосига ўтиши – оқибатида ўзбекчада форсча талаффузи унсурлари кучая борди ва адабий тилимиз бошқа турк қавмларининг адабий тилидан сезиларли даражада узоклашди.

1980-йилларга келиб, Ўзбекистоннинг расмий тилчилари сингармонизм ўзбекчадан борган сари йўқолиб бораяпти, чунки тилимиз тараққий қилмоқда, бу

табiiй жараён, деган сафсатами жамоатчиликка қабул қилдирганди. Ваҳоланки, сингармонизм халқ гапираётган тилда яшашда давом этаётганди, у кирилча алифбе ва тил нималигини билмайдиган тилчиларимизнинг талаффузидан чикиб кетаётганди. Лекин алифбонинг тилимизга бегоналиги адабий тилни халқ тилидан бегоналаштира бошлагани ҳам тўғри эди. Бу вазият бугун ҳам ўзгаргани йўқ. Аксинча, Ўзбекистон ҳукуматининг 1995-йилда тасдиқлаган “Ўзбек тили графикаси” ўзбекларни Алифбо Лабиринтларида яна бир неча йил сарсон юришига маҳкум қиладиганга ўхшайди.

Бу ҳукуматнинг барча соҳаларда бўлгани каби, тил соҳасидаги бу ташаббуси очикчасига ғайримиллий ва ғайрилмийдир. Унинг танлаган алифбоси бизнинг бойтилимизни қашшоқлаштиришга олиб келиши шубҳасиздир. Мана шу қашшоқлаштириш сўзидаги “sh” ҳарфининг иккита иеорглиф билан қўлланилиши, ҳукумат алифбосининг, аниқроғи, ҳукуматнинг башарасидаги кўтирнинг ўзгинаси эмасми?

Биз ЭРК веб-саҳифасида ва ЭРК газетасида ҳукуматнинг алифбосини ишлатиб кўрдик ва шунга амин бўлдик-ки, бу алифбони ҳатто унча кенг бўлмаган аудиторяда қўллаш ҳам тил маданиятига зарар бериши муқаррардир. Материлларни саҳифага қўяр экан, биродарларимиз қайси сўзни қайси ҳарф билан ифодалашни билмай қоладиган бўлдилар, ҳукуматнинг “янги алифбоси” шу қадар расво!

Биз бу кичик тажрибадан келиб чикиб, ўзбек тилига максимум уйғун бир алифбо тузиш аввалги йилларда қандай зарур бўлса бугун ҳам шундай зарур эканлигини кўрдик.

Бўлажак янги алифбога 1939 йилда қабул қилинган кирилча ўзбек алифбосига киритилмаган 3 та ғоят муҳим унли товуш ҳарф киритилиши лозим:

1) Бу “gözal” (гўзал), “söz” (сўз), “ölim” (ўлим), “örka” (ўпка), “ölka” (ўлка) сўзларидаги “ö” ҳарфи. Бу асло “ortaқ” (ўртоқ), “oquvchi” (ўқувчи), “otirmoқ” (ўтирмоқ), ўтлоқ (otlaқ) даги “O” эмас.

2) Устида нуқтасиз “I” ҳарфи: “ism”, “isiriқ”, “istak”даги “i”. Бу асло иймон (iymon), мусиқий (musiqiy), ҳақиқий (haqiqiy)

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

сўзларидаги “i” эмас. 3) Устида ишоратли “Ü”: бу ҳарф “üstiga üstak”, “ünli”, “ündoş”, “tüşmoq”, “Ürganç”, “üka”, “taşabbüs” сўзларидаги “ü”. Бу асло “usta”, “uçmoq”, “uçqun” сўзларидаги “U” эмас.

Изоҳ: Кирилдаги “Ў” ўрнига “O” таклиф қилинапти. Ўз навбатида, “O” ўрнига устида ишоратли Ä (ä) таклиф қилинапти.

Бугунги Алифбонинг  
Ундошларидаги ўзгариш таклифи:

G’ ўрнига Ğ,  
CH ўрнига Ç,  
SH ўрнига Ş шаклини таклиф қиламиз.

Алифбода 1939-йилдан

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Туркменистон собиқ президенти Сапармурот Ниёзовнинг хавфсизлик хизмати бошлиғи Акмурат Режепов бир ҳафта муқаддам қамоқхонада ўлган.

Акмурат Режепов 10 йил муқаддам президент Ниёзов ўлимидан кўп ўтмай қамоққа олинган ва номаълум қамоқхонада ушлаб турилган эди.

## Туркменистон “Серий кардинали” қамоқда ўлди

Қароргоҳи Москвада жойлашган “Мемориал” марказининг Марказий Осиё бўйича лойиҳаси раҳбари Виталий Пономарёвнинг айтишича, Режепов қариндошларига унинг 10 августда тромбоз (қоннинг тўпланиб қолиши) касалидан вафот этгани хабар қилинган.

Туркменистон расийлари Режепов жасадини айни куннинг ўзидаёқ унинг яқинларига топширганлар.

“Мемориал” 16 августда тарқатган хабарига кўра, жаноза маросими 17 кун Лебап вилоятида бўлиб ўтиши режалаштирилган.

“Серий кардинал” лақаби билан танилган генерал-лейтинант Режепов Сапармурот Туркманбошининг энг яқин шахсларидан бири сифатида кўриларди.

У Ниёзов Совет Туркменистонига бошлиқ бўлган

бери қўлланилиб келган кирил алифбосидаги “цирк” сўзининг бошида келадиган “Ц” сасини берувчи бир ҳарфдан ташқари барча ҳарфлар мавжуд. Ц ҳарфини “S” ҳарфи билан ҳам ифодаласа бўлаверади, биз “ЦИРК” деганда русларга ўхшаб талаффуз қилишга маҳкум эмасмиз. Кирилда ишлатганимиз Ё ва Я ҳарфи эса иккита ишорат ЙО ва ЙА билан ёзилади. Кирилдаги “Ш” ҳарфи Туркия туркчасидаги думли “Ş”, кириладаги “Ч” эса туркча “Ç” ҳарфлари билан алмаштирилади.

Хукуматнинг янги лотин алифбосида ҳар хил товушли сўзлар бир хил ҳарфлар билан белгиланиб, худди кирил алифбосида бўлгани каби, тилимизда унли

1985 йилдан бошлаб унинг кўрикчилари бошлиғи бўлиб ишлаган.

Туркменистон собиқ расмийларига кўра, Режепов 2006 йил декабрида Сапармурот Ниёзов вафот этиши ортидан президент Гурбангули Бердимухаммедовнинг қудратга келишида муҳим рол ўйнаган шахслардан ҳисобланади.

Аммо Бердимухаммедов 2007 йилнинг 15 майида Режеповни

президент хавфсизлик хизмати бошлиғи лавозимидан олиб ташлаб, коррупция айблови билан қамоққа олди.

2007 йил июлида Режепов пора олиш, товламачилик, фирибгарлик, солиқлардан бош тортиш ва жиноий гуруҳ тузишда айбдор деб топилиб, 17 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Туркменистон расмийлари ҳеч қачон Режепов жазо муддатини ўтаётгани ҳақида расмий баёнот бермаган эса-да, унинг Ашхобод ташқарисидagi Овадан Тепа қамоқхонасида ушлаб тургани айтилар эди.

Режепов номи охириги йилларда Туркменистон қамохоналарида ғойиб бўлган 100 дан зиёд “махсус маҳкумлар”нинг тақдирига ойдинлик киритиш талаби билан “Уларни тириклайин кўрсатинг” халқаро кампания олиб борилади.

ЎХХ хабарлар бўлими

саслар деформатсиясини янада чуқурлаштирапти. Унлилар уйғунлигини тамин этмақдан мақсад, алифбомизни бошқа турк қавмлари алифбосига яқинлаштириш, улар билан маданий алоқаларнинг тамалини ҳеч бўлмаса алифбо бирлиги билан мустаҳкамлашдир. Яъни, мақсадимиз хукуматнинг ўз алифбосидан кўзлаган мақсадларининг том тескариси.

Балки бу алифбо Туркларнинг Бирлиги каби буюк хаёлнинг илк поғоналарига қўйилган илк одим бўлар. Ҳар ҳолда, бу турк давлатларининг интегратсиясига қўшилган кичик, аммо реал ҳисса бўлар.

Муҳаммад Солиҳ

## 2019 йилнинг 1 январидан хорижга чиқиш учун бериладиган ОВИР стикерлари бекор қилинади

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил 1 январидан Ўзбекистон фуқароларига хорижга чиқиш учун биометрик паспортлар берилишини белгилади. Айни санадан бошлаб хорижга чиқиш учун бериладиган ОВИР стикерлари бекор қилинади.

“Ўзбекистон 24” телеканали сайтида жойлаштирилган фармонда айтилишича, 2011 йилдан бери амалда бўлган биометрик паспортлар Ўзбекистон ҳудудида кучда қолади.

Ўзбекистон фуқаролари халқаро келишувларга биноан кириш визаси талаб қилинмайдиган давлатларга амалдаги биометрик паспортлар билан 2021 йил 1 январигача чиқишлари мумкин.

Ҳамда, виза талаб қилинадиган давлатларга амалдаги ОВИР стикери муддати тугагунча сафар қилиш мумкин. Аммо, фармонда хорижий паспорт қандай муддатга берилиши айтилмаган.

Аввалроқ, кун.уз нашри саволларига жавоб берган ИИББ вакили Ўзбекистон фуқароларига хорижий паспортлар қандай муддатга берилиши ҳақидаги саволга жавоб бера олмаган, бироқ халқаро тажрибага кўра бундай паспортлар 10 йилга берилишини таъкидлаб ўтганди.

Мирзиёев фармонида айтилишича, хорижий паспортларни тадбиқ қилишдан мақсад, хусусан, чет элга чиқиш учун ҳужжатларни тайёрлаш жараёнидаги қоғозбозлик ва порахўрликка чек қўйишдир.

Манба: Би-Би-Си Ўзбек

Яқинда умрбод камоқ жазосига ҳукм қилинган МХХ раисининг собиқ биринчи ўринбосари, генерал Шуҳрат Ғуломов ўзбек махусус хизматлари раҳбари ва унинг шерикларига қарши кўрсатмалар беришни бошлади. Шундай қилиб...

### Сохта-чўлок қандай қилиб “Шурик”ни “бўюртма” берган эди?

Узоқ вақт ўз айбини тан олмаган ва МХХ раҳбариятидаги битта ҳам ҳамкасбини сотмаган Шуҳрат Ғуломов, Иноятов ва унинг атрофидагиларининг суҳбатлари



## УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: ШУҲРАТ ҒУЛОМОВ ИНОЯТОВ ВА УНИНГ ШЕРИКЛАРИГА ҚАРШИ КЎРСАТМА БЕРА БОШЛАДИ

ёзилган аудиоларни эшитгач, гапиришга қарор қилди. Рустам Иноятовнинг уйи ва иш кабинетида бўлиб ўтган суҳбатлар давомида, ўзбек махусус хизматлари раҳбари, Шуҳрат Ғуломовни, у Бекободда бўладими ёки Жасликдами, ўлдириш кўрсатмасини берган.

“Уни дарҳол бартараф этиш лозим. Чунки у ҳаммамизни сотиши мумкин. Шунинг учун Бекобод камоқхонасида ва ҳатто Жасликда “Шурик”ни (Шуҳрат Ғуломов – У.Х.) ўз камерасида бартараф қилиш учун бир ходимни ёки бошқа бир кимсани тайёрланг”, – деган Иноятов ўзининг чекист-шоғирдларига.

Бир нечта шундай суҳбатларни эшитган Шуҳрат Ғуломов Иноятов, унинг оиласи ва яқинларининг жиноятлари ҳақида бор ҳақиқатни айтиб беришга қарор қилган. Иноятовга қарши

биринчи суд маҳкамасидан кейинги кўрсатмалардан кейинок Ўзбекистон МХХ раисининг собиқ биринчи ўринбосари республиканинг жорий раҳбариятини, ҳукми ижро қилиш учун ўзини расмий муассасага жўнатмай хусусий уйда ушлаб туришда давом этаётганликлари учун миннатдорчилик билдирган.

“Аввалига мени бу уйда қийноққа солиб, ўлдириб юборишча керак деб ўйлагандим. Аммо энди тушунишимча бу менинг хавфсизлигим ва ҳаётимни сақлаб қолиш мақсадида қилинган экан”, – деди Шуҳрат Ғуломов терговчиларга.

Шу кунларда Иноятовнинг “контора” югурдаклари Шуҳрат Ғуломовнинг қаердалиги ҳақда маълумот излашга фаол киришишган. Улар ўзбек махусус хизматларининг собиқ генерали

Иноятов ва шерикларининг жиноятлари ҳақида тўлиқ маълумотларни берганидан ёки энди бериши мумкинлигидан жуда ҳам ҳавотирга тушишган.

Ғуломовни бартараф қилиш ва муқаррар жазодан қочишга уринаётган Рустам Иноятов югурдакларининг ушбу урунишларини кечиккан ва ўзини ҳимоя қилиш ҳаракатлари сифатида кўриш мумкин.

Таъкидлаб ўтиш керак-ки, шу кунларда фақатгина Иноятов ва унинг шерикларигина эмас, балки, Рустам Иноятов бошқарувидаги бутун МХХ ҳимояланишга мажбур. Шундай қилиб...

### Ўзбек оммавий ахборот воситаларидаги “конторанинг” маҳфий пиари

2017 йил бошидан бери халқ назарида ҳурматини йўқотиб кўркув идорасига айланган МХХ фаолияти ҳақида жамоатчиликда ижобий фикр уйғотишга қаратилган жиддий ҳаракат бошлангани кузатилади. Бу жараён айниқса янги президент Ш.Мирзиёев ва МХХ раҳбарияти ўртасидаги зиддиятлар ҳақида дунё матбуотида кетма-кет мақолалар чоп этилганидан сўнг янада авж олди. Илгари маҳаллий нашрларда асосан “Куч ишлатар тизимлар”, “Ҳуқуқ-гартибот органлари”, “Хавфсизлик органлари” каби жумлалар билан тилга олинган ушбу ташкилот ҳақидаги хабарлар эндиликда ўз номи



(Давоми кейинги саҳифада)

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

МХХ қисқартмаси билан берилган бошланди ва идора ходимлари томонидан амалга оширилаётган ижобий ишлар тўғрисида тарғибот кучайтирилди.

Масалан ўтган 2016 йилнинг бутун 12 ойи мобайнида [rodobno.uz](http://rodobno.uz) сайтида МХХ фаолиятига бағишланган жами 28 та хабар берилган.

Солиштирадиган бўлсақ биргина 2017 йил август ойининг ўтган 19 куни ичида [rodobno.uz](http://rodobno.uz) сайтида МХХнинг жиноятчиликка қарши курашдаги фаоллигини кўрсатишга қаратилган 25 та мақола эълон қилинди:

1.МХХ гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний олиб кирилишига тўсқинлик қилди. (17.08.2017)

2.МХХ тиббиёт коллежи раҳбарини порахўрлик учун қўлга олди. (17.08.2017)

3.Фарғонада катта ҳажмдаги контрабанда маҳсулотлари қўлга олинди: жиноятчилар Herbalife ва телевизорлар олиб ўтишга уринишган. (13.08.2017)

4.МХХ наркотик моддаларни сотиш билан шуғулланувчи йирик уюшган жиноий гуруҳни йўқ қилди. (11.08.2017)

5.Қорақамиш ва Қатортолда 20 нафар психотроп моддалар сотувчиси ушланди. (11.08.2017)

6.МХХ Наманган вилоятида иккита фирибгарлик фактини аниқлади. (10.08.2017)

7.МХХ Қашқадарё Юқори кучланишли электр тармоғи ходимларини фирибгарлик айби билан қўлга олди. (08.08.2017)

8.МХХ сохта адвокатни қўлга олди. (07.08.2017)

9.Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги майори ишга жойлаш учун валюта талаб қилган. (05.08.2017)

10.Самарқанд кишлоқ хўжалиги институти декани муовини ўқишга киритиш учун абитуриентлардан пул олган. (05.08.2017)

11.МХХ Тошкент архитектура ва қурилиш институти проректори бошчилигидаги жиноий гуруҳни фош қилди. (04.08.2017)

12.Аниқланган фирибгарликдан сўнг GM Uzbekistan сотув тизимини такомиллаштириш ниятида. (04.08.2017)

13.Фирибгарлар Фарғона давлат университетига ўқишга киришни ташкил этишга уринди. (04.08.2017)

14.Ўғлининг Жиззах Олий ўқув юртига кириши учун нафақадаги



отадан 3,5 минг доллар талаб қилишди. (04.08.2017)

15.МХХ Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчисини ҳибсга олди. (04.08.2017)

16.Сирдарёда Савдо мажмуаси бошлиғи қўлга олинди. (03.08.2017)

17.Пойтахтлик судья 100 минг доллар миқдордаги пора учун маҳкамага тортилди. (03.08.2017)

18.GM Uzbekistan, МХХ томонидан фош этилган, автомобилларни сотишдаги фирибгарлик схемаси ҳақидаги иш борасида изоҳ берди. (03.08.2017)

19.МХХ Тошкентда талон-тароҷ учун собиқ милиция ходимини қўлга олди. (02.08.2017)

20.Ўзбекистонда GM Uzbekistan автомобилларини сотишдаги фирибгарлик схемаси фош қилинди. (02.08.2017)

21.МХХ ТАТУга ўқишга кириш учун пора талаб қилиниш фактларини аниқлади. (01.08.2017)

22.Тошкентда ўқишга киритиб қўйиш учун 44,5 минг доллар талаб қилган фирибгар қўлга олинди. (01.08.2017)

23.Тошкентда олий ўқув юртига ўқишга киритиб қўйиш учун пул талаб қилган фирибгар қўлга олинди. (01.08.2017)

24.500 доллар пора эвазига – чегарадан муаммосиз ўтиш учун “руҳсат”. (01.08.2017)

25.Фирибгар Наманган Олий ўқув юртига ўқишга кириш учун 5 минг доллар талаб қилган. (01.08.2017)

Ушбу ҳолатдан МХХ идорасининг имиджини яхшилашга бўлган тарғибот ишининг қарийб 20 баробарга кучайтирилганини англаш мумкин. Бу фақат [rodobno.uz](http://rodobno.uz) сайти эмас, барча маҳаллий нашрлар учун ҳам бир хил ҳолатдир.

Кимдир бу ҳолатни Ш.Мирзиёев иқтидорга келганидан сўнг мамлакатда маҳаллий ОАВ га берилган баъзи эркинликлар билан боғлаши мумкин. Аммо 2017 йилнинг 12 август куни МХХ генерали Шуҳрат Ғуломовнинг умрбод қамоққа ҳукм қилингани ҳақида ББС хабари берилганига

қарамасдан биронта маҳаллий ОАВ бу ҳақда ёзишга журъат қилмади. Бу эса маҳаллий ОАВга чекланган мавзулардагина эркинлик берилганини кўрсатади ва уларнинг ҳали ҳам МХХ таъсири остидан чиқа олмагани, хабарларни буюртма асосида бир томонлама ёритаётганидан далолат беради.

Шу кунларда Тошкентда бўлиб ўтган МДХга аъзо мамлакатларнинг махсус хизматлари вакилларининг нуфузли мажлисига киритилмаган Рустам Иноятовнинг ўзи ҳам шаънига жиддий зарба олди. Шундай қилиб...

### “Кечирасиз, лекин сиз иштирокчилар рўйхатида йўқсиз!”

16-17 август куни Тошкентда МДХ давлатлари махсус хизматлари вакилларининг мажлиси бўлиб ўтди. Мехмонлар, иштирокчилар рўйхатида Ўзбекистон МХХ раиси Рустам Иноятовнинг йўқлигидан ажабланишди. Ўзбек махсус хизматлари раҳбари ушбу форумда қатнашиш ва ўзини ҳамкасбларига кўрсатишга уриниб кўрди, аммо унинг исм-шарифи рўйхатда йўқлигини айтиб, конференц залига киритишмади.

Хафа бўлган Иноятов эртаси куни Москвага учиб кетди ва ҳалигача Россия пойтахтида қолмоқда. Бизнинг фикримизча, сохта-чўлоқ у ерга Ўзбекистон раҳбариятининг “ахлоқсиз ҳатти-харакати” устидан Кремл раҳбариятига шикоят қилиш учун кетган. Шундай қилиб...

### Сўнгсўз ўрнида

Иноятов ва унинг Миллий хавфсизлик хизмати бизнинг материалларимиз ва Ўзбекистоннинг янги раҳбариятидан ҳимояланиши вақти келди. Энди тезроқ сохта-чўлоқ ва унинг шерикларининг Ўзбекистон халқи олдидаги жиноятлари учун қамоқда ўтиришлари вақти келишини хоҳлардик.

**Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,**  
сиёсатшунос  
19.09.2017

### “ERKIN YURT”

интернет-газетаси  
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий  
нашри  
[www.uzxalqharakati.com/erkinyurt](http://www.uzxalqharakati.com/erkinyurt)  
Мухаррир: Нурбек Саломов